

# Абитуриентлар учун янги тайёрлов курслари ташкил этилди



13:44 / 03 октябрь 389

Ўзбекистон муслмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларига 2025-2026 ўқув йилида ўқишга кириш истагида бўлган абитуриентларнинг қабул имтиҳонларига пухта тайёрланишига кўмаклашиш мақсадида 2024 йилнинг 15 октябрь кунидан бошлаб барча диний таълим муассасаларида тайёрлов курслари ташкил этилади.

**Тайёрлов курслари қуйидаги фанлар бўйича бўлади:**

**Олий диний таълим муассасаларида:**

Чет тили (араб тили);

Фикҳ ва ақоид;

Ўзбекистон тарихи фанларидан.

**Ўрта махсус ислом таълим муассасаларида:**

Чет тили (араб тили);

Ўзбекистон тарихи;

Маънавият ва маърифат асослари фанларидан.

Дарс машғулоти таълим муассасаларининг малакали ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Эслатиб ўтамиз, мазкур тайёрлов курсида ўқиш истагида бўлган абитуриентлар олий ва ўрта махсус ислом таълим муассасаларининг қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат қилиши мумкин.

**Олий таълим муассасалари:**

1. Тошкент ислом институти +998-71-227-42-37
2. Мир Араб олий мадрасаси +998-50-005-01-83
3. Ҳадис илми мактаби +998-66-240-20-51
4. Имом Термизий ислом институти +998-55-451-05-96

**Ўрта махсус ислом таълим муассасалари:**

1. Кўкалдош +998 93-395-30-60
2. Хадичаи Кубро (аёл-қизлар учун) +998-93-981-80-58
3. Саййид Муҳйиддин Махдум +998-88-822-68-70
4. Ҳидоя +998-88-572-60-06
5. Хожа Бухорий +998-75-542-74-25
6. Мир Араб +998-95-600-45-97
7. Жўйбори Калон (аёл-қизлар учун) +998-65-221-77-44
8. Фахриддин ар-Розий +998-95-606-92-55
9. Муҳаммад ал-Беруний +998-99-951-17-18
10. Имом Термизий +998-55-451-05-96